

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

27 сентябрь, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 201 (1718)

«ДЭУ»: ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Муствақил мамлакатимизга биринчилардан бўлиб ўз сармоясини жалб этган Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Шундай ҳамкорлик самараси Улароқ, Асакада жаҳонга машҳур автомобиль заводи қуриб битказилди. Телефон коммуникация тармоқларини ривожлантиришда сезиларли ишлар бажарилди. Тошқоқ туманида эса замонавий ип-йигирув фабрикаси ишга туширилди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХОРАЗМДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

26 сентябрь куни Президент Ислоҳ Каримов Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини Урганч аэропортида Хоразм вилояти ҳокими Искандар Юсупов, Урганч шаҳри ҳокими Эргаш Юсупов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Мазкур жамоа ҳўжалиги райиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Маъшариф Қувақов мамлакатимиз раҳбарига шолчиликни ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди. Утган йили жамоа ҳўжалиги шолининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олган бўлса, бу йил 60 центнерни кўзланаётгани ва шунга яраша ҳосил етиштирилганини айтди.


га тажриба ўрганишга юбориш лозимлигини таъкидлади. Дала чеккасида турган шолини кўчатлаб экадиган мўъжазгина хориж ускунаси мамлакатимиз раҳбаридан қизиқиш уйғотди.

да. Менимча, камида уч нав экилиши лозим. Майли, асосийси «Ф-175» бўлганда ҳам янада тезпишар, ҳосилдор навларни ҳам кўркмасдан сировдан ўтказиш зарур.

меъморчилиги услубини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Ичонқалъада мамлакатимиз раҳбари бир гуруҳ франциялик ва белгиялик сайёҳлар билан суҳбатлашди. Сайёҳлар Хивада юбилей арафасида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишларидан ҳайратга тушганлигини айтишди.

● ҚУТЛУФ КУН МУАЛЛИМА

Дилбархон Ғаниева Сирғали туманидаги 9 йиллик 304-таъанч мактабда мана, чорак асри, бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаяпти. Тажрибали, ўз касбининг сир-синаотини заргарона ўзлаштирган муаллима қўлида бир неча авлод вакиллари илк маънавий-маърифий сабоқларни олиб чиқдилар. Бугун ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият билан банд бўлган бу одамларнинг табиатида нечоғлик яхшилик, инсонийлик, маърифийлик мавжуд бўлса, бу хислатларнинг бир чимдиси азиз тарбиячи опалари Дилбархон Ғаниева меҳнатининг самарасидир.



«ДЕМОКРАТИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ»

Жиззах шаҳрида «Демократия ва ҳуқуқий давлат» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди раиси Б. Эшоновнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида уюшган жиноятчилик ва гнёвандликка қарши курашининг ҳуқуқий таҳлили. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А. Саидовнинг «Суд ҳокимияти ва ҳуқуқий журналистика» каби мавзулардаги маърузаларини тинглади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Айни кунларда Олий Мажлиснинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси «Тупроқ унмдорлиги тўғрисида» қонун лойиҳаси устида иш олиб бораётир.

унмдорлигини ошириш ёки, аксинча, камайиб кетишини олдини олиш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Қонун лойиҳасида тупроқ унмдорлигининг пасайишига жавобгар бўлган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан чора-тадбирлар қўлаш ва, аксинча, унинг унмдорлигини оширишга зиммат қилган кишиларни рағбатлантириш масалалари ҳам назарда тутилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасини навбатдаги сессия муҳокамасига киритишни мўлжаллапмиз.

Шунингдек, қўмитада қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижросини назорат, таҳлил қилиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Қўмита аъзолари ҳамда мутахассислардан иборат гуруҳ яқинда «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида» қонуннинг Андижон вилоятидаги ижросини ўрганиб қайтди. Уни навбатдаги йиғилишларда муҳокама қилиш мўлжалланмоқда.

«Ўзавтосаноат» уюшмаси билан Туркиянинг «КОЧ» фирмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «СамКОЧ-авт» қўшма корхонаси Самарқандда йирик автомобиль заводига асос солмақда.

МАШИНАЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бу корхона қуриб битказилгач, йилига уч миңга тўрт хил русумдаги автобус ҳамда турли модификациядаги юк ташувчи автомобиллар ишлаб чиқарилади. Улар жаҳон андозаларига мос бўлиб, ёнилғини кам сарфлайди.

УШБУ СОЎНДА...

2-бет
ҚОНУН ТИЛИ ҚАНДАЙ БУЛИШИ КЕРАК?


3-бет
ТОЗАСИДАН БОР, ОЛИБ КЕТИНГ...

4-бет

● ПАХТА-97



Норин туманидаги «Тошкент» жамоа ҳўжалиги дехқонлари бу йил 667 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашган. Унинг 80 фоизи пахта териш машиналари ёрдамида йиғиб олинди.



Хоразм араб муаррихлари назарида

● ЯКУН

ХАВФСИЗЛИКНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

уни яратиш гоёси ЕХХТнинг XXI асрдаги асосий мақсадларидан биридир.

Сибсатчиларнинг эътирофи эйтишча, айни пайтда жаҳон мамлакатлари ўртасидаги интеграция жараяни ўзининг янги — сифат босқичига кўтарилмоқда. Зеро, бу табиий ҳолдир. Чунки бир-бирини англаш, тушуниш мавжуд муаммоларнинг ечимини тез ва осон бартараф этиш учун катта имконият яратди.

АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда ЮНЕСКО «Жаҳон хотира» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви дастури доирасида ўтказилган Марказий Осиё ёзма меросини сақлаш бўйича минтақавий анжуман 26 сентябрь кунини ўзининг якунидади.

АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

